

## А Ж Р И М

2026 йил март ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўз биносида видеоконференцалоқа режими орқали бўлиб, раислик қилувчи А.Мирзаев, судья ёрдамчиси Н.Хасанованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Хусанов, гумон қилинувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси А.Алиев, жабрланувчи Х.Шарипованинг иштирокида,

ХХХ, 2003 йил 12 январь куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оиласидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, [REDACTED] яшайди, соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи ХХХга нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

ХХХ, фирибгарлик йўли билан ўзига олдиндан таниш бўлмаган Х.Шарипова билан “инстаграм” ижтимоий тармоқ орқали танишиб, 2025 йил 27 декабрь куни Х.Шарипованинг яшаш хонадонига бориб, унинг ишончига кириб, ундан умумий оғирлиги 9.62 граммни ташкил қилган бозорда сотилиши нархи жами 1.250 АҚШ доллар (*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 27.12.2025 йилдаги маълумотномасига асосан 1 АҚШ доллар 12078.47 сўмни ташкил қилган ҳолда жами 15.098.087.5 сўм*) бўлган “Дорика” номли тилла тақинчоқларни олиб, пулларни 2026 йил 10 ва 25 январь кунлари беришини айтиб, тилла тақинчоқни қайтариб бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судда гумон қилинувчи ХХХ ва жабрланувчи Х.Шарипова ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи ХХХ суд мажлисида ярашиш тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Х.Шариповага етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирор-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Шарипова суд мажлисида ярашиш тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйик



бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи Х.Шарипова, гумон қилинувчи ХХХнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, ҳимоячи А.Алиевнинг ХХХга жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги илтимосномасини эшитиб, гумон қилинувчи ХХХнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашув доирасига тушишини инобатга олиб, ХХХга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Х.Шариповага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ХХХга нисбатан юритилган жиноят иши бўйича иш юритиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Х.Шариповага мазкур иш бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ва ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Мирзаев

